

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 63 (7212), Sotuvda erkin narxda

Истиқлол иншоотлари

Улкан салоҳиятимиз кўзгуси

Президент Ислон КАРИМОВнинг Оролбўйига сафаридан кейинги ўйлар

Устюрт бағридаги мўъжиза

Мамлакатимиз шимолида ястаниб ётган кўз илғамас Устюрт кенгликлари боқиб, юртимизнинг нақадар бепоён эканига амин бўласиз. Бу ерда барпо этилган ва қарийб 60 гектар майдонни эгаллаган, мамлакатимиз саноати учун жуда зарур хом ашё - йилига 100 минг тоннагача кальцийланган сода ишлаб чиқариш қува-тига эга Кўнғирот сода заводини кўрғанда эса Ўзбекистонимиз улкан салоҳиятга эга мамлакат эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Сахро қўёши, гармсел ва изгириш шомолларда тобланган, мураккаб табиий шароитда ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиб қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган заҳматкаш қорақалпоқ элининг бағрикенглиги ва матонатини Юртбошимиз кўп бор таъкидлаган. Кўнғирот сода заводи ҳам ана шу фидойи одамлар меҳнати билан қад ростлади.

Заводнинг маҳсулоти мамлакатимизда шиша ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришда, рангли металлургия, энгил саноат, қорғоз саноати, сув тозалаш тармоқларида асосий қиммий қўшимча, компонент сифатида ишлатилибгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилинади, - дейди қорхона бош директори Рихсибой Ёқубов. - 2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Жорий йилда бу кўрсаткичи 80 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот сотилди.

Ушбу қорхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот - кальцийланган содага мамлакатимиз саноатида талаб жуда катта. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, бу эҳтиёж йилга 65 минг тоннани ташкил этади. Айниқса, шиша ишлаб чиқаришда унинг аҳамияти жуда муҳим.

Оролбўйидаги бу қудратли қорхона халқро талабларга тўла мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ушбу сода мамлакатимиздаги энг йирик истеъмолчилар - "Қварц", "Ўзсаноатқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятлари, "Фарм-глас" ва "Газалкент-ойна" қўшма қорхоналари, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекнефтгаз", шунингдек, ёғ-мой, қимё, металлургия саноати қорхоналарига етказиб беришмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисминини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Устюрт саҳросида наинки мамлакатимиз, балки дунё бозорига ҳамназ ҳаридорларни ҳисоблаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ноб қорхона бунёд этилди. Бу қорхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамиз бўлибгина қолмай, халқимиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг яна бир кўзгусидир.

Ислон Қаримов қорхона мутахассислари, Қорақалпоғистон раҳбарияти ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви чоғида бундай заводни қуриш осон бўлмаганини қайд этди.



Устюртнинг қорли-бўронли қишига, баҳор ва қузнинг тўзонли шамолию серёғир кунларига, ёзнинг жазирама иссиғи ва юзни куйдирадиган гармселига бардош бериш, қирқ қақирим жойига йўл, электр энергияси, сув, табиий газ олиб келиш, чўл қаърида замонавий коммуникация ва инфратузилмани бунёд этиш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта.

Қорақалпоқ халқида "Бирлашиб кўтарилган юк энгил бўлади", деган ғуриқимат нақл бор. Хитой Халқ Республикасининг "Ситик" компанияси вакиллари халқро тендерда ғолиб қилиб, ўзбек ва қорақалпоқ мутахассислари билан елкама-елка меҳнат қилди. Бунда Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 14 майда қабул қилинган «Кўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги қарор дастуриламал бўлди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ хом ашёнинг бой манбаларини ўзлаштириш асосида кальцийланган сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди ва уларни изчил амалга оширишга қиришилди.

Заводнинг ишлаб чиқариш бўлиmlарини бунёд этиш суръатлари жаддалашди. Қад ростлаган иморатларга кетма-кет усқуналар ўрнатилди бошланди. Қорхонани қуриб битказишда хитойлик мутахассислар билан бирга, «Ўзмонтажмақурулиш» уюшмасига қарашли ташкилотлар, «Қорақалпоқдеҳқонқурилиш» каби йирик қурилиш ташкилотлари бунёдкорларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Ушба вақтда завод қурилишини 220 миллион АҚШ долларига баҳолаган хорижий технология эгалари ҳам бўлди, - деди Юртбошимиз. - Бу жуда кўп маблағ, боз устига, ўн йил муддатга олинандиган ушбу кредитни

фоизи билан ҳисоблаганда, у янада катта миқдорни ташкил этади. Биз эса ҳар жиҳатдан мақбул, оқилана йўлни танладик ва натижада хитойлик мутахассисларнинг 32,3 миллион долларлик замонавий технологиясини жорий этиш эвазига ҳам сифатли, ҳам харидорлиқ маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий қорхона қуришга муваффақ бўлдик.

Илғор технологиялар — тараққиёт омили

Кўнғирот сода заводи ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Сода ишлаб чиқариш технологиясини анча мураккаб бўлиб, тузни эритиш ва тозалаш цеҳидан бошлануватган ушбу жараён тўртта технология босқичини ўз ичига олади.

Устюртдаги "Борсакелмас" қонидан вагонлаб келтирилган туз сифими 2-3 минг кубометрлик цистерналарга солиниб, дистилланган сувда эритилади. Сўнгра маҳсул қузувлар орқали ишлаб чиқариш цеҳига етказиб берилади.

Тузни эритиш ва тозалаш цеҳида ҳар сменада 12 киши ишлайди, - деди цех бошлиғи Баҳром Мухторов ўша муҳирларига. - Бунда, айниқса, операторлар Қанатбой Ермано ва Фаррух Тилеумуратов, машинист Баҳодир Худойбергенов самарали меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Қузувлар орқали бикарбонат цехига келиб тушган туз эритмаси тегишли компонентлар билан бойитилган, абсорбция, дистилляция, карбонлаш, филтрлаш жараёнларидан ўтади. Кейинги цеҳларда у кальцийлангарилади ва тайёр маҳсулотлар цехига жўнатилади.

Ишлаб чиқариш цехи ўртасидаги ойнаванд хонада лаборатория жойлашган. Шу ёрнинг ўзига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати

назорат қилиб борилади. Лабораторияда ишлаётган кеҗейилик Шаҳзода Сийпатдинова ва кўнғиротлик Нигорхон Сапархонова ўз ишдан минун.

Қорхонанинг марказий бошқарув пулти фаолияти олий маълумотли химик-технолог Бекпўлат Ҳўкамбергеновнинг доимий назоратида. Бу ерда Бахт Алиева, Дилором Қўсмағбетова, Бахт Нарзуллаев каби ўз касбининг устаси бўлган кўплаб ёшлар ишлайди. Улар компьютер орқали маҳсулот сифатини мунтазам кузатиб борадилар.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 35 килограммлик қопларга қадокланиб, омборларга жойланади. Ишлаб чиқариш жараёнида дунёга машҳур "Хонивелл" ва "Сименс" фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқариладиган, илғор технологиялар билан жиҳозланган бундай йирик қимё қорхонасининг МДХ давлатлари орасида айнан бизнинг мамлакатимизда барпо этилган барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Тупроғи тиллога тенг юрт

Қорақалпоғистон ҳудуди бекиёс қон заҳираларига эга. Айтишларича, бу заминда Менделеев қадвалига кирувчи барча элементлар мавжуд. Шундай экан, яқин келажакда ушбу юртга келиб ишлашни хоҳловчилар, айниқса, хорижлик сармоядорлар янада қўпайиши, Кўнғирот сода заводи каби ноб қорхоналар сони ҳам ортиши тайин.

Президентимиз таъкидлаганидек, хали бу юртнинг тупроғи ҳам тиллога айланади. Биргина мисол - заводда сода ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳақшо 92 физиклик софликка эга бўлиб, бу кўрсаткич дунё микёсида жуда юқори ҳисобланади. Тайёр маҳсулотнинг олий сифати ва рақобатбардорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи ушбу хом ашё Бөрүний туманидаги «Жамонсой» қарьеридан ташиб келтирилади ва унинг қондаги заҳираси 10 миллион тоннани ташкил этади. Бу завод эҳтиёжини 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида таъминлаш учун етарлидир.

Дарвоқе, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосан уч хил хом ашё - оҳақшо, техник туз ва аммиак ишлатилади. Заводнинг йиллик эҳтиёжи 153 минг тонна оҳақшо, 170 минг тонна техник туз ва бир минг тонна аммиакдан иборат. Техник туз «Борсакелмас» қонидан олиб келинади. Аммиак эса «Навоийазот» оқиқ акциядорлик жамияти етказиб беради.

Завод қошида ана шу хомашёларнинг муайян муддатгача етадиган тегишли заҳирасини яратиш даркор, - деди Ислон Қаримов ишчи ва мутахассислар билан суҳбатда. - Бу мураккаб табиий-иклим шароитига эга минтақада жойлашган қорхона ишида узилмас бўлишларини қафолашлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилиларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қўйидагилар жойлардаги давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавий тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин:

республикамизнинг ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, қасаначилик ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш;

ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-ҳўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиб-

бий, ҳўқуқий, ахборот, масlahат ва бошқа, жумладан бола-лар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун гурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳўрмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш тўғрисида шакллантириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш.

2. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида қўйидаги мақсадлар учун 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги

таклифи маъқуллансин: кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш); уй-ҳўжалигини йўлга қўйиш;

мебель ва бошқа узок муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун 2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган таклифларни ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тасвია этилсин.

3. Белгиланган, қонунчиликка мувофиқ, маъмур Фармон таъбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кирди.

4. Белгилансинки, жисмоний шахслар - ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадлари қўйидаги даромадлари қирмайди.

солиққа тортилмаган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки қўш қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

(Давоми 2-саҳифада)



Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги "Абдулла ота" фермер ҳўжалиғи раҳбари Анаора Аҳадова ғаллазорларини оравал экан, ҳосил чўғидан қўнғи тўлади. Йиғиштириб олажақ ғалласио қўтаражақ хиромини сарҳисо қилади.

Айни пайтда, умумий майдони 70 гектар бўлган фермер ҳўжалигининг 35 гектар ғаллазорида бугд-дў майсалари мавж ўрмоқда. Жамоя яқинда бошлануватган ўрим-йиғим мавсумига қизғин тайёргарлик қўраётди.

СУРАТДА: фермер Анаора Аҳадова ғаллазорда.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Самарқанд вилояти.

Зўтибор ва ғамхўрлик ифодаси

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи давомида кўрсатиб ўтган йўл-йўриқлари юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда

Бундан ўн йил муқад-дам Халқро Оролни қўт-қариш жамғармаси томо-нидан берилган 1 милли-он сўмлик кредитга 30 бош қорамол сотиб олиб, қоравчилик билан шуғул-ланишга бел боғладим.

Сўнгра, 2000 йилда "Ғафур" номи фермер ҳўжа-лигини ташкил этдим. Албат-та, ўтган йиллар мобайнида деҳқончиликда бир қатор қий-

бошдан зиёд қорамолимиз бор. Кишлогимиздаги кам таъминланган Кенгесбой Со-диқов, Бегарис Ажиниёзов оилаларига қорамол бериб ёрдам қилдик.

Йил бошида мусулмончи-ли-нинг шартларидан бери бўлган Ҳаж зиёратига бориб келдим. Фарзандларим Инъом, Ғабит, илларим Тажен Ешакбулов, Усқобой Мамбетов, Амудилло Қўтлимуротов, Мирзабой Сапа-

риф буюрганларига янада теранроқ ҳис қилдим. Прези-дентимиз туманда, фермер ҳўжалигимизда қўлга кирити-лаётган ютуқлар билан тани-шар эканлар, бизни ташвиш-лантираётган муаммолар бил-лан қўзикадилар. Мажҳуд қий-инчиликларни бартараф этишда ҳар қандай ёрдам бўлса, беришларини айтиди-лар. Юртбошимизнинг ота-ларча ғамхўрлиғи бизни яна-

да улкан марраларга руҳлан-тиради. Ҳар қандай ишда меҳ-натдан қочмасанг, роҳатини қўрасан. Зотан, ўзим меҳнат-дан қадр топганман.

Тоҳиқол ЕШКАБУЛОВА,
Қанглиқўл туманидаги
"Ғафур" фермер ҳўжали-
ги раҳбари.

Қорақалпоғистон
Республикаси.

Меҳнатдан қадр топдим бу истиқлол шарофатидан, ислохотлар самарасидандир

инчиликларни ҳам бошдан кечирдик. Бирок, барига чи-даб ишлаганимиз тўғрйли йилдан йилга даромадимиз кўпайиб борди. Ўтган 2006 йилда 20 гектарда пахта, яна шунча ерда ғалла етиштириб, йилни 30 миллион сўм даро-мад билан аяқладик.

Ҳозир ҳўжалигимиз анча бакуватлашиб қолди. Ўндан ортиқ техникаларимиз, 300

роғ, Темирхон Абдуллаевлар менинг яқин қўмақчиларимдир. Албатта, буларнинг бари юртимизда фуқароларга яра-тилаётган қулайликлар, хўсу-сан Президентимизнинг ғам-хўрликлари тўғрйли эканли-гини юракдан ҳис қиламан. Мен бундай тўғрйни яқинда Юртбошимиз Қорақалпоғис-тонга, жумладан фермер ҳўжалигимиз далаварига таш-

улар мамлакатда кечайтган иқтисодий ислохотлар моҳиятини теран англамай, ўзи тасарруф этаётган ҳўжалик юритув-чи субъект имкониятларидан тўла фой-даланмай, шунчаки фаолият олиб бора-дилар. Аслида эса ташаббус, энг аввало, фермердан чиқиши керак эмасми?

Президентимиз Қорақалпоғистон Рес-публикаси ва Хоразм вилоятига ташри-фи чоғида айтилган фикрларини матбу-отдан ўқиб, соҳада кечайтган иқтисодий ислохотлар шиддатини янада теранроқ ҳис этдик. Ҳўқуматимиз томонидан фер-мерлиқни тараққий эттириш йўлида кат-та саъй-ҳаракатлар қилинаётгани бизни қувонтиради.

Ҳар йили пахта, ғалла етиштиришда илғор ағротехникалардан унумли фойда-ланиб, яқин натижаларга эришиб келая-нимиз. Фермер ҳўжалигимизда ҳосилдорлик пахтачиликда 50 центнерга, ғаллачиликда

қарийб 60 центнерга қўтарилаётти. Бу муваффақиятлар мамлакатимизда фер-мерлик ҳаракати кенг қўлоч ёяётгани ва соҳани барқарор раванқ топишига ҳўқу-

матимиз томонидан тинимсиз ғамхўрлик қилинаётганининг самарасидир.

Президентимиз айтганидек, фермер пахта, ғалла етиштириш билан бира қор-ваччилик соҳасида ҳам фаолият олиб бо-риши, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашга ҳаракат қилиши зарур. Шу маъ-нода фермер ҳўжалигимизда қорва мол-лари парвариллашни йўлга қўйгандик. Ҳозир қорамолларимиз сони 80 бошдан ошиб қолди. Буюртмачи қорхоналарга сўт етиштириб бераёлмиш. Яқинда алоҳида қорваччилик комплекси барпо қилдик. Келгусида сутни қайта ишлаовчи мини-технология келтириб, аҳолига тайёр маҳ-сулот сотамиз.

Панжи ГЕЛДИЕВ,
Қарши туманидаги "Нормўмин
бобо" фермер ҳўжалиғи раиси.

Қашқадарё вилояти.

Хоразм вилояти Янгиерик тумани.

Комилжон ШОМУРДОВ,
фермер.



Жавзо — ёз бошланиши

Уни халқимизда “Етти сариқ ойи” деб ҳам аташади

Бизга ажойиб, айни пайтда қутилмаган туҳфаларни ато этган баҳор фасли тугай деб қолди. Бугундан тақвим бўйича жавзо буржи бошланади. Демак, ёз киради.

Бу ойда тун қисқариб, кун узаяди. Қушларнинг бошқа ўлкалардан учиб келиши аниқлашиб, улар жуфт-жуфт бўлиб яшай бошлайди. Тухум қўйиб, баъзилари, ҳатто, полапон очига ҳам улғуришади.

Халқимизда жавзони “Етти сариқ ойи” деб аташади. Сабби, бу ойда пилла, тут, гипос, эртаки ўрик, арпа, бугдой, тарик қабилар ҳосилини беради. Бу деҳқончиликда йиғиладиган дастлабки хирмонлар ҳам демакдир. Халқимизнинг яна бир мақоли бор:

“Жавзонинг ярмида сув тағида арпа пишади”. Демак, бу ой барака ойи, ҳосил ойи. Қишга озук жамғаришга киришадиган пайт ҳам жавзода. Ем-хашак, бедага ўроқ тушади.

Экинларнинг эса айни парвариштаб даври. Далада иш қизийди. Кузда мўл-кўл

қосил кўтаришни мақсад қилган бободоҳқонларнинг ҳам шашти баланд. Ахир, бугунги меҳнат — эртанинг гарови.

Жавзода табиатнинг мўъжизаси бўлган асаларлар тибхлардан жуда шифобахш бол йиғар экан. Нега-

ки, тоғ-адирлардаги барча тибхлар айни пишиб етилган, ўзида минг хил хусусиятни жамлаган вақтига тўғри келади-да, жавзо.

Кексаларнинг айтишича, жавзо баъзан салқин келиши мумкин. Бу эса деҳқончиликда бир оз ноқулайликлар тудиради. Негаки, бу ойда ўсимликларнинг қуёш нурларидан қувват олишга эҳтиёжи баланд бўлади. Шу сабабли, кексалар “Жавзода ёққан ёмғирдан, илон ёққани яхши”, дейишади.

Юртимизда шифобахш неъматларга бой жавзо бошланмоқда. Бободоҳқонлари мизга қизгин иш фасли бўлган бу ойда хирмонларингиз баракали бўлсин, деймиз. Анвар Қўлмуродов

Бурж

Пилла

Ғамхўрлик самараси — ҳосил баракасида

Ғайрат билан меҳнат қилишадиган сирдарёлик пиллачилар бу йил 520 тонна юқори сифатли пилла хирмонини уюшмоқчи.

—Шу мақсадда сифатли ипак қурти уруғи тайёрлаш учун 94 та инкубаториялар ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди, — дейди “Сирдарёпилла” масъулияти чекланган жамияти раиси Абдурашид Рустамов.

—Уларда 11554 юз фоиз жон-звенеларга тарнингдек, 332 нафар пилла бригадирлари тайинланиб, улар соҳага доир ўқув семинарларида малакасини оширишди. Вилоятдаги мавжуд 1171 гектар тутзор, 975 мингта қатор тут дарахтлари етарлича ишлов берилди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 279 гектар янги тутзорлар барпо этилди.

Айни пайтда дастлабки пилла ҳосили тарозига тушди. Сирдарёликлар пилла режасини 10 кун ичида бажаришга аҳд қилишган.

—Кейинги йилларда пиллачиликни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор бизни беҳад қувонтирмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Боев тумани Усмон Юсупов номи фермерлар уюшмаси илғор пиллачиси, “Шухрат” медали соҳибаси Ойхон Мусаева. — Меҳнатимиз қадрланган. 52 фоиз бўлак пулини қабул қилувчи олдиндан тўлаб беравди. Утган йили хар бир қутидан 60 килограмдан ҳосил олган эдим. Мана, бугун биринчи ҳосилимиз тарозига тушди. Хар бир қутидан 70 килограмм. Бу натижани бизга яратиб берилаётган шароит, ғамхўрликда, деб биламан.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Сирдарё вилоти

Мужтарам жонимлар ва жаноблар!

Акциядорлик-тижорат “Пахта Банк”нинг акцияларини харид қилиб, доимий даромад манбаига эга бўлинг!

ЭСАТИБ ЎТАМИЗ!!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;
- фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда қайтарилади.

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрга қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

“Пахта Банк” акциялари “Тошкент” республика фонд биржасининг “А” тоифадаги расмий листингида бўлиб, бу ҳам унинг энг ишончли акциялар эканлигидан далолатдир. Имкониятларни қўлдан бой берманг! Даромадингизни янада кўпайтиринг. Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақами орқали мурожаат этишингиз мумкин. (8-371) 173-25-51.

“Пахта Банк” — фаровонлигингиз калитидир!

Ҳинд маданияти кунлари

ҚАРШИ шаҳрида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ҳинд маданияти кунлари доирасида тадбир ташкил этилди.

М.Тошмухаммедов номли вилот мусикали драма театри ва Қарши Давлат университетиде бўлиб ўтган учрашуларда Ҳиндистоннинг қадимги ва замонавий ма-

данияти, Ҳинд ва ўзбек халқларининг азалий дўстлик ришталари мустақам эканлиги борасида фикр юритилди. Анжуманда Тошкент шаҳридаги Ҳинд маданияти маркази аъзолари концерт дастурларини намойиш этишди.

Янмиликлар

ШАҲРИСАБЗ туманида Республика Фавкуллода вазиятлар ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликлари та-шаббуси билан “Сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш” мавзусида семинар ўтказилди.

Сувдан тежаб фойдаланайлик!

Республикамизнинг турли вилотларидан мутахассислар иштирок этган мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги “2007 йилда қўтилаётган сув танқислигини енгиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар борасида сўз борди.

“Вилотда сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш”, “Сув танқислиги шароитида обихайтни иқтисод қилиш”, “Сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Сув ва сувдан фойдаланиш қонун ҳамада ҳуқуқ қарорлари ихроси назоратини олиб бориш” мавзуларида бўлган маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Фахриддин БОЗОРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Қашқадарё вилоти

Корхоналар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эслатиб ўтади. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ КИЛУВЧИ БОҒЛАМАЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

“Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали: Тошкент ш. А.Толстой кўчаси, 23 ком-р. 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59, 50-36-79, 380-40-35, 21-306, 21-121, 186-57-51, 2-27-61, 186-57-51, 2-54-11, 316-97-53

1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш. А.Ходжаев к-си, 29. 135-36-59, 65-80-43, 55-2-24-71, 61-2-23-66, 25-08-82, 22-23-81, 52-9-24-55

2-ШМАТБ манзил: Қўқон ш. Истиклол -58. 57-28-98, 57-34-36, 77-05-27, 6-22-07, 72-30-28, 72-30-24

3-ШМАТБ манзил: Гулистон ш. Дўстлик қўрғ. 33-52-60

4-ШМАТБ манзил: Булунгур ш. Самарқанд-18. 223-38-37

5-ШМАТБ манзил: Бухоро ш. Ғиждувон -69. 222-37-07, 222-00-43, 532-30-60, 1-42 (ички), 524-30-60, 1-38 (ички)

6-ШМАТБ манзил: Нукус ш. Ашқобод -1. 3-59-07, 7-37-62

7-ШМАТБ манзил: Термиз ш. Гагарин-32. 221-02-41, 55-22-1-67

8-ШМАТБ манзил: Қарши ш. Ҳуснобод-1. 226-36-58, 226-36-33

9-ШМАТБ манзил: Урганч ш. Дусов-2. 224-75-21, 45-5-24-54, 57- 2-14-75

10-ШМАТБ манзил: Навоий ш. Кармана-26. 57- 2-14-75

Ушбу телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Агарда қандайдир ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати тугилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг. Буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

Хабарлар

Яна бир янги коллеж

Айни кунларда БОҒОТ туманидаги “Хитой” қишлоғида қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 510 ўринли касб-хўнажар коллежи қурилиши тезкор суръатларда олиб борилаётган.

1 миллиондан 323 миллион сўм эвазига бунёд бўладиган ушбу коллеж жорий йилнинг 1 июлига қадар фойдаланишга топширилади.

Шасвирларда тарих акси

“Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси” мавзусидаги тарихий суратлар ва видеолавлар санъати бўйича Тошкент халқаро фестивалининг Хоразм вилотидаги босқичи қадимий ХИВА шаҳрида ўтказилди.

Халқро миқёсдаги бу анжуманда Болгария, Германия, Греция, Грузия, Миср, Россия, Македония, Франция, Жанубий Корея, Япония, Қозғистон, Озарбойжон, Норвегия, Польша, Украина мамлакатлари вакилларининг асарлари кўргазма иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

Спорт - соғлиқ демакдир

Айни пайтда 20 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ЯНГИОБОД шаҳарчасида хар томонлама қулайликлар яратилмоқда.

Қадимий Хиванинг йўлдош шаҳарчаси бўлган бу аҳоли пунктида спорт майдони, қишки зал, сузиш ҳавзасидан иборат янги спорт мажмуи қурилиши бошланди.

Математика даҳоси

Урганч Давлат университетида буюк олим, математика фанининг асосчиси Мухаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1224 йиллиги муносабати билан анжуман бўлиб ўтди. Унда Ватандошимизнинг ҳаёти, илмий-маърифий асарларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида жаҳон олимларининг қарашлари тўғрисидаги маърузалар тинланди.

Шаҳриба алмашилди

Ўзбекистон сабзавот-поллиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Хоразм таъин бўлимида туман ҳокимлари, қовуңчиликка иштирослаштирилган фермер ҳўжаликлари бошлиқлари, соҳа мутахассислари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинарда воҳа қовуңлари довуруғини тиклаш, унинг йўқлиб бораётган навларини экиб қўлпайтириш, аҳолининг полиз маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўқис қондиритишга қаратилган вазифалар муҳима қилинди. Узаро тажрибалар ҳўсусида фикрлар алмашилди. Холмурод ҚУРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Хоразм вилоти

МИНСК БЕЛАРУС

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ “Беларус”

ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни

тақлиф этади.

КАММАЗ ARSENAL

Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Утеранный гувохнома № 000861, выданный 04.04.07 г. ТСРПИ Шайхантахурским хокимиятом на имя ООО “SHOHONA TAOM SERVIS”, считать действительным.

УКС РИЭ МЧС РУЗ объявляет конкурсные торги по текущему и капитальному ремонту объектов. Срок подачи предложений 7 дней со дня публикации. Тел.: 134-95-20.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида рўйхатга олинган “MAX-LIDER-DIMA” МЧЖнинг номи “MAX-LIDER-MALIK” МЧЖга ўзгартирилади. Давволар қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 297-88-71.

Боғчанинг бори яхши...

аммо ундан самарали фойдаланиш ҳам зарур

Денов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 34-мактабга таълим муассасаси раҳбари Мавжуда Раҳмонова билан суҳбатлашган, унинг ўз вазифасини яхши биладиган, бир сўзи, тиниб-тинчимас, жонқуяр инсон эканини дарҳол пайкайсиз. Бу ердан мактабнинг биринчи синфига йўл оладиган ўғил-қизларнинг "ҳаридори" кўп. Бошланғич синф ўқитувчилари учун боғча тарбиясини олган болажонларнинг хат-саводини чиқариш нисбатан осон ҳам экан.

— Боғчамиз саксон ўринли, — дейди М.Раҳмонова. — Ҳозир 85 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Зарур бўлганда ҳар ойнинг бошида амалга ошириш йўлга қўйилган. Шунда бола "прогул" қилмайди-да. Нарх ҳам қиммат эмас, иш беш кунлик бўлгани боис, ҳар бола учун ойига 6831 сўм қилиб белгиланган. Ҳудудимизда 1200 нафар боғча ёшидаги бола бор. Табиийки,

уларни муассасамизга тўла жалб этиш имкони йўқ.

— Ана шунини инобатга олиб ўрта умумтаълим мактаблари ҳузурида қисқа муддатли мактабга тайёрлов гуруҳлари ташкил этганмиз, — дейди Шофиркон тумани халқ таълими бўлимининг услубшуноси Ойсанам Абдуллаева. — Минг нафардан зиёд 6-7 ёшли болалар бу гуруҳларда таълим-тарбия олиб,

мактабда ўқиш учун маълум кўнма ҳосил қилаётилар.

Тумандаги 27-мактабга тарбия муассасасида 20 та ўрин негандир бўш турибди. Муассаса раҳбари Б.Нуруллаевнинг билдиришича, 60 ўринли масканда айни дамда қирқ нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Ваҳоланки, ҳудудда боғча ёшидаги 80 нафар бола бор.

Муаммо ва ечим

Биз масаланинг нафақат иқтисодий, балки бошқа жиҳатларини ҳам назарда тутаямиз. Уйда тарбия топган бола билан боғча кўрган кичкинтой ўртасида анча-мунча тафовут бор.

— Бизда ҳам биринчи синфга борадиган тарбияланувчиларимиз муаллимлар томонидан талаш, — дейди Зарчабек қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 6-мактабга таълим муассасаси мудири Дилбар Уйлушова. — 60 ўринли масканимизда ҳозир 52 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Кўриб турганимиздек, маскан мослаштирилган бинода жойлашган.

Туман халқ таълими бўлими услубшуноси Мунаввар Ражабовнинг фикрича, кўп нарсаси муассаса раҳбарига, унинг жонқуярлиги, елиб-югуришига ҳам боғлиқ.

Ўз ишига сидиқдиган ёндашган тўғайли 1-, 6-, 40-мактабга таълим муассасалари жамоаларида болаларни боғчага камраб олиш бўйича муаммо йўқ.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Бухоро вилояти.

Онажоним — табиат

Орол илгарилари дунёдаги энг катта ички денгизлардан бири ҳисобланиб, сув ҳажми 100-150 км³, сув сатҳи майдони 4000 км² ни ташкил этган.

Аммо, эндиликда Орол сувлари 4,2 миллион гектарга чекиниб, бу жойларда қум-

м, шох-шаббасининг диаметри 8 м га тенг бўлган қизил қандимнинг 32,7 кубометр кўмини тутиб қолиши кузатишган. Юлғун эса 7,5 кубометр кўмини шох-шаббаси остида ушлаб қолар экан. Бир гектар шўрқон майдондаги 3956 дона сарсазан 1305 м³ микдорда қум йиққан. Буларни

гидрид газини ўзига сингдириб, 1116 кг/га ксилородни чиқарган.

Яна бир жиҳат, яратилган иҳтозордаги дархат ва буталар илдири ёрдамида сизот сувларини барглари орқали булантириб, уларнинг чуқурлигини пайсатирди, бу эса туларнинг тулқун устки қис-

Яшил филтр "кармати"

ликлар, туз қопламалари пайдо бўлди. Натижада, юзага келган қучли шамоллар туз ва қумларни 4 км юқорига, 200 км кенгликка тарқата бошлади. Бундай бўронлар ҳар йили 8-9 мартагача тақдорланмоқда. Орол бўйича ёғилган чанг зарраларининг умумий микдори эса ўртача 500 кг/га ни ташкил этиб, тулқун ҳолатининг ёмонлашуви сабаб бўлаётган.

Хўш, бу ҳолнинг олдини олиш мумкинми? Талафотни камайтириш учун нималар қилмоқ керак?

Туз, чанг зарраларининг ҳавога кўтарилишига қарши самарали чоралардан бири ўрмон иҳтозорларини барпо этишдир. Давлатимиз томонидан муаммонинг олдини олишга қаратилган дастурлар доирасида ушбу йўналишда ҳам катта ишлар бажарилапти. Хусусан, Республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази ишлаб чиққан тавсиялар асосида Орол денгизининг қуриган қисмига қора саксовул, қандим, черкез ва бошқа турдаги бута уруғлари ҳамда кўчатлари экилиб, ўрмон иҳтозорлари барпо этилаётган. Ҳозирги вақтга 125 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо қилинган. Иҳтозорлар текшириб кўрилганда, бир тулқун ўсимлиги 32,7 кубометргача кўмини йиғиб олиши аниқланди. Масалан, бўйи 2

м, шох-шаббасининг диаметри 8 м га тенг бўлган қизил қандимнинг 32,7 кубометр кўмини тутиб қолиши кузатишган. Юлғун эса 7,5 кубометр кўмини шох-шаббаси остида ушлаб қолар экан. Бир гектар шўрқон майдондаги 3956 дона сарсазан 1305 м³ микдорда қум йиққан. Буларни

мига кўтарилишига -йўл қўймайди. Атроф-муҳит микроклимининг яхшилаб, тулқунни шамол эрозисидан саклайди.

Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, катта экологик муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам барча-барчага қарата: Орол денгизининг қуриб қолган майдонларида ўрмон иҳтозорларини кўпайтирайлик, деймиз.

З.НОВИЦКИЙ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори. М.СОБИРОВ, илмий ходим.



Муҳиддин қизиқ хангомаларидан

Машҳур қизиқчи Муҳиддин Дарвешов ичакузди хангомалари, бир-бирини тақорламайдиган қизиқчиликлар билан халқимизнинг сезимли санъаткорига айланган эди. Бугунги кунда ҳам радио ва ойна жаҳонда Муҳиддин қизиқчининг ижод намуналаридан бериб турилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Муҳиддин Дарвешовнинг ҳали эълон қилинмаган, кўпчилик эшитмаган латифанамо хангомаю қизиқчиликларини кўп. Қуйида сезимли муҳлисларимиздан бири бизга йўллаган шундай хангомалардан намуналар ўқийсиз.



Баланд меҳмонхонада

Бир кун Тошкентга келиш учун поездга чиқсам, купеда олтириқлик ўрта яшар деҳқон ўтирган экан.

—Йўл бўлсин? — сўрадим ундан.

—Икки қоп тулқун олиб, пойтахт бозорига кетялман.

—Бу тулқуннинг пули йўл қирага етмас керак.

—Етганча-да! Ҳам саёҳат, ҳам тижорат дегандай, тамошо қилиб келамиз-да!.

Бунини қараганки, эртасига Кўкнага қайтаётган, поездда яна уша деҳқонга дуч келдим. У кўйиб-пишиб гапирга кетди:

—Шу десангиз, пойтахт жуда узғариб кетибди, чиройли-чи-ройли биноларга янги, кенг кўчалар, усти берк катта бозорлар пайдо бўлибди. Роса айланган, кечкурун "Чорсу" деган баланд биноли меҳмонхонага бордим. Жой берувчи қиздан сўрадим:

—Қизим, эрталабгача тунаш учун жой борми?

—Бор, отахон! Бир қават қорига кўтарилсангиз, ажойиб хоналар, уларда телефон, радио, телевизор, юмшоқ креслолар муҳайё.

—Буларни қўявер, бир кун тунашга қанча тўлайман, менга шунисини айт?

—Бор-йўй қирқ икки минг.

—Арзонроғи йўқми, мен шаҳарни сайр қилавериш чарчадим, ҳамён ҳам пучайиб қолди.

—Бор, учинчи қаватда, бир кунга ўттиз беш минг.

—Тўхта қизим, бинонинг энг тепасидаги хоналар-чи?

—Энг тепасидагилар йигирма минг, отахон.

—Тушунарли, қизим. Бу меҳмонхонага икки-уч йилдан кейин келарман, унгача тепасига яна уч-тўрт қават қўшилса, менбон хоналар пайдо бўлар, хайр! — деб вокзалга келавердим.

"Ака"ларига индамади

Муҳиддин қизиқчининг бетоблигини эшитиб, уни кўргани андижонлик қизиқчи дўстлари келишибди. Дарвозадан чакришса, ҳовлида юрган Муҳиддин ака чиқибди, дарвозахона йўлига ўртасида катта қўпак етган экан.

—Индамай юрарингизлар, — дебди Муҳиддин қизиқчи.

Учала ўртот итни хатлаб ичкарига ўтишибди. Шунда мезбон қўпакни бир тепган экан, у вангилаб жўнаб қолибди. Сал нарида турган хотини кўчиб дебди:

—Жимгина етган шўрликни нега тепасиз!

—Ҳа, қўпак бўлмай қолсин, — дебди Муҳиддин хотинига, — шунча ҳурматли "ака"лари келибди, қўпик учун лоқал бир марта ириллаб сўрашмади-я!

Шунда учала меҳмон бир-бирларига қараб, аскиячилар орасида пинҳона лақабли "ит"лигини эслашиб, қўлиб қўйишибди.

Тўловчи: О.ҚУЧҚОБЕКОВ

ШАХМАТ

Қосимжонов — ғолиблар қаторида

Россиянинг Сочи шаҳрида шахмат жамоаларининг анъанавий чемпионати бўлиб ўтди. Ҳамюртимиз, шахмат бўйича XVIII Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов "Томск-400" жамоаси шарафини ҳимоя қилди.

Чемпионат регламентига кўра, бир жамоа таркибига 6 тадан шахматчи киритилган бўлиб, Рустамдан ташқари бу жамоада россиялик Александр Морозовин, Дмитрий Яковенко, Украина вакили Сергей Карякин, франциялик Владислав Ткачев ҳамда руминиялик Вирел Болонг чемпионат ақунда ғолибликка эришдилар. Чемпионатнинг сўнгги турида "Томск-400" вакиллари Екаторинбург шаҳрининг "Урал" жамоасига қарши дона суриб, 3,5:2,5 ҳисоби билан зафар қучишди. Айни шу ютуқ уларни чемпионат ғолиби, деган номга етаклади.

ФУТБОЛ

шер Никимбаевнинг маълум қилишича, ушбу учрашувда иштирок этиш учун розилик билдирган футболчилар сони 13 нафарга етган. Улар: Россиядан Алексей Поляков, Дмитрий Хомин, Артур Пагаев, Алберт Саркисян, Андрей Каряка, Николай Ширшов; Грузиядан Виталий Дароселия; Латвиядан Олег Благоняжнин, Михаил Землинский; Белорусдан Александр Чайка; Эрондан Али Дайи, Али Ризо Мансурян; Қатардан Мустафо Муборак.

Шунингдек, Сергей Лушан, Февзи Давлетов шулар жумласидандир. Андрей Федоров ва Миржалол Қосимов бир таймдан икки жамоа сафида ҳам ўйнайдилар. Таклиф этилган футболчилар рўйхатида Владислав Радимов, Андрей Тихонов, Юрий Дроздов, Андрей Ахоянц ва Самир-Жабр ҳам бор.

Машҳурлар яна майдонда

Шу йилнинг 2 июнь кунини ўзбек футболнинг сўнгги 20 йилликдаги энг машҳур ўйинчиси, Осиё ўйинлари ғолиби, бир неча қарра Ўзбекистон ва Россия чемпионатлари соҳибдори бўлган Миржалол Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашуви учрашуви бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Футбол федерацияси Миржалол Қосимов ва унинг

дўстлари иштирокида Евро-Осиё терма жамоаси ва Ўзбекистон миллий термаси иштирокида учрашув ўтказишни режалаштирган. Федерациянинг терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Али-



БОКС

Тейлор Спиксдан қучли экан

АҚШнинг Мемфис шаҳрида катта профессионал бокс шоуси ташкил этилди. Шоунинг асосий "зиёдорлари" икки америкалик боксчи урта вазнининг WBC камари соҳиб Жермейн Тейлор ва биринчи урта вазнининг WBO камари эгаси Кори Спикс рингга кўтарилишди.

Иккита чемпионлик камари учун ўтказилган "жанг"да Жермейн Тейлор ҳакамлар ҳулосасига кўра ғалаба қозонди. "Жанг"да ҳеч қандай томон етакчи бўлмади. Зарбалар алмашинуви остида кечган "муштлашув" ақунда 111:117, 115:113, 117:111 натижаси қайд этилди ва кичик ўстунлик билан Тейлор зафар қучди.

ФУТЗАЛ

Ҳамюртларимиз учинчи

Ўзбекистон футзал терма жамоаси Японияда якуниланган навбатдаги Осиё чемпионатида учинчи ўринни кўлга киритди. Шавкат Абдураимов ва Павел Безвляднов шогирдлари учинчи ўрин учун киргизистонлик ҳамкасблари билан баҳо олиб борди.

Вакилларимиз футзал майдонда рақибларига қараганда эркин тўп суриб, якунда 5:3 ҳисобида ғалаба қозондилар. Мазкур ғалабага терма жамоанинг тўпурар ҳужумчиси Абдулла Бўриев муносиб ҳисса қўшди. Бу сафарги баҳсда у "хет-трик" муайлиғи бўлди ва чемпионатдаги ўз голлари сони 11 тага етказди.

Финалда эса Осиё футзал "қироллари" Эрон ва Япония бир-бирига қарши тўп сурди. Мезбон жамоага ҳеч қандай имконият қолдирмаган эронликлар чемпионат ғолиби бўлишди.

КУРАШ

Полвонлар Ботсванада бел олишди

Мустақиллик тўғайли жаҳонга юз тутган ўзбек кураши Африка қитъасида ҳам оламшумул ғалабаларни кўлга киритиб, таътилни ҳеч қандай сир эмас. Қитъада бугун яна бир катта мусобақага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Африка Кураш конфедерацияси президенти Томас Дункернинг ёзишича, шу йилнинг 15-18 ноябрь кунлари Ботсвана давлатида Африка-

Суннатилла ИСЛОМОВ

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙАТИ:

Саид АХМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАҲРОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Аграрноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Кабулхона - 136-58-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-806-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

① - тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи:

А. ҚУЛМУРДОВ Саҳифаловчилар: Р. ЁДҲОРОВ, А. САФОНОВ Мусоҳиҳ: Х. ТОШҲУҲАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-417, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 23.20. Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзига компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru